



## ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲДП фракцияси ўзининг навбатдаги йиғилишида иккита қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Дастлаб, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

# Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси

## янада мустаҳкамланмоқда

Қонун лойиҳасида амалдаги қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Мазкур янгиликлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳуқуқий экспертизани ташкил этиш, эълон қилиш ва кучга кириши билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, умуман,

инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган. Яъни, бир нечта қонунлардаги тегишли мевёрлар «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ҲДП фракцияси ҲДП фракцияси Қонунчилик палатасида мувофиқлаштирилди.

► Давоми 2-бетда.

# Электорат билан бевосита мулоқот

## муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этиш имконини беради



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан тизимли равишда ўтказиб келинаётган «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги тадбир Тошкент вилоятининг Бўка туманида ўтказилди.

► 2

## МУНОСАБАТ

*Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги таъриқ сўзини юртдошларим қатори мен ҳам бутун вужудим билан тингладим. Мамлакатимиз раҳбарининг «Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондўст халқимизга ўхшаган халқни топиш мумкинми ўзи? Аминман — ҳеч қачон!» — деб айтган сўзлари, уйлайманки, ҳар бир ватандошимизни тўлқинлатиб юборди, юраклардаги Ватанга муҳаббат, юртни улуғлаш, ўз олдидан фазилатларни туйғуларини жунбушга келтирди.*

# Наврўз ғоялари

## халқимизни янада жипслаштиради

Халқимизнинг ўзига хос улуг фазилатларидан яна бири бу — бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, уларга кўмаклашишдир. Президентимиз таъкидлаганидек, шу муътабар айёмда бу инсонпарварлик тамойиллари буй-басти билан намоян бўлади. Байрам кунлари беюмурлар, етим-есирлар, муҳтож инсонларнинг кўнглини, руҳини кўтаришга, сабов ишлар қилишга ҳаракат қилинади. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганидан, яхшилик ва эзгуликни доимо юрағида сақлаб келаётганидан дарак беради.

Бундай эзгу ишлар, муҳтожларга амалий ёрдам кўрсатиш, ҳеч кимни меҳр-оқибатдан четда қолдирмаслик каби ғоялар Халқ демократик партиясининг Дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Айни кунда ҳамюртларимизнинг янгилашиш ва ёшариш қайғирини билан маҳаллаларнинг ободонлигига ўз хиссасини қўшишга интилаётгани, меҳр-саховатга йўғрилган ҳаракатларини кўриб қувонсан киши. Бугунги кунда ушбу умуммиллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири бекиёс эканини ҳам барчамиз яхши биламиз. Ҳақиқатан ҳам Наврўз инсонлар қалбидан эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олийжанат туйғуларни уйғотиш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, айниқса, ёшларимизни миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Наврўз ғоялари ҳар қандай ғараз, гина ва низолардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига этиш, аҳиллик ва бирдамлик, миллатлараро ҳамжихатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини яна бир бор англайтилади. Шунинг учун ҳам уни халқимиз орасида янада кенгайтириш, эзгу амалларни янада кучайтиришга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиз, деб ҳисоблайман.

Ҳафиза КАРИМОВА,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
депутати,  
ЎзДП фракцияси аъзоси.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# Илғор ғоя ва лойиҳаларга кўмак

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқарилиши бўшқа институтиларнинг қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 2014 йилдаги устувор вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқарилиши бўшқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, мазкур фонд директори А.Тўраев ва бошқарар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтиларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татиқ этишга яқиндан кўмаклашиш, аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда уларнинг фаоллигини янада ошириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Парламент комиссияси томонидан 2008-2014 йиллар

мобайнида жамоат ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқий, экологик тарғибот, коллеж битирувчилари бандлигига кўмаклашишга оид лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 37 миллиард 700 миллион сўм давлат субсидияси, ижтимоий буюртма ва грант шаклида ажратилди.

2014 йилда Парламент комиссияси томонидан жамоат ташкилотлари, медиа соҳа ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари фаоллигидаги устувор вазифаларни амалга оширишга кўмаклашиш, уларнинг фаоллигини ошириш учун 2013 йилга нисбатан 17,1 фоиз кўп маблағ ажратилди. Жумладан, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини «Соғлом бола йили» Давлат дастурида

белгиланган вазифаларни ҳал этишга кенг жалб этиш, «Келажак буюк соғлом авлод» мавзусидаги грант танловларини ташкил этиш ва ўтказишга 3,8 миллиард сўмдан ортққ маблағ йўналтирилади.

Бундан ташқари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларни фуқаролик жамияти институтилари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш асосида амалга ошириш, халқимиз турмуш тарзини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёшларнинг худудларни ободонлаштиришдаги фаоллигини ошириш, экология, тиббиёт каби йўналишлардаги танловларга алоҳида эътибор қаратилган.

Оммавий ахборот воситалари томонидан аҳолининг ҳуқуқий оғи ва маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, демократик ислохотларнинг амалга оширилиши ва фуқаролик жамияти барпо этилиши жараёнларини мустақил оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишига оид танловлар ўтказилиши кўзда тутилган. Ушбу танловлар учун давлат грантларига ажратилган маблағлар миқдори ўтган 2013 йилга нисбатан 15,8 фоизга ошади.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## ЎЗДП Марказий Кенгашининг IX Пленуми тўғрисида АҲБОРОТ

2014 йил 26 март кунни ЎЗБЕКISTON ҲДП Марказий Кенгашининг «ЎЗБЕКISTON Халқ Демократик Партияси Ташкилотлари ва Депутатлик Бирлашмаларининг Партия Электорати Манфаатларига Ҳароб Берувчи Дастурий Мақсад ва Вазифаларни Амалга ошириш Борасидаги Фаолиятини Янада Тақомиллаштириш Тўғрисида»ги масалага бағишланган навбатдаги — IX Пленуми ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши, партия Марказий тафтиш комиссияси,

партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қора-

қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Пленум ишида Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятини билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати

## Қонунларда оддий одамлар фикри

ўз ифодасини топмоқда

### ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайловчилари билан юзма-юз учрашувлари қонун ижодкорлиги жараёнида ҳаётини долзарб масалалар, оддий одамларнинг фикрлари ҳар томонлама ҳисобга олинишида муҳим аҳамиятга эга. ЎЗДП фракцияси аъзолари сайлов округларида бўладиган учрашувларга жиддий эътибор қаратиб келади. Навбатдаги мулоқотлар ҳам самимий фикр алмашув, ўзаро очик мулоқотлар асосида ўтди.

► 2

## ФИКР

Мамлакатимизда аёлни асраш, эъзозлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш бўйича беқиёс ишлар амалга оширилмоқда.

Партияимизнинг «Фаол аёллар» қаноти шунга мувофиқ тарзда хотин-қизларнинг ижтимоий-сирсий фаоллиги, ташаббускорлигини оширишга қаратилган ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бизнинг туманимизда 964 нафар ЎЗДП аъзоси бўлса, шундан 321 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Улар орасида маҳаллий Кенгаш депутатлари, меҳнат жамоалари раҳбарлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари анчагина.

# Бугуннинг аёли

она, оила бекаси бўлиш билан бирга, жамият ҳаётида ҳам фаол иштирок этиши керак

Хотин-қизлар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, касаначиликни қўллаб-қувватлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оналар ва болалар санолатлигини асраш борасида улар қатор ташаббусларини илғор фаоллигини маҳаллаларда янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятлари, хусусан, касаначилик билан шуғулланиш, уй меҳнатини расмийлаштириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш каби йўналишларда тарғибот ишларини олиб боришди. Натижада уйда хунармандчилик билан шуғулланаётган ўнлаб хотин-қизлар ўз ишини йўлга қў-



да ўз фикр-мулоҳазаларини эркин билдиради, деб ўйлайман.

Бугуннинг аёли. У депутат, у раҳбар, у сиёсатчи, у жамиятда катта куч. Ана шу кучларни бир ғоя, бир мақсад йўлида бирлаштириб, эзгу ишларга йўналтириш бизнинг асосий вазифамиздир. Бу вазифани қанчалик

масъулият билан уйдalasак, бизга ишонадиган, оптимиздан эргашадиган, қўллаб-қувватлайдиган хотин-қизлар шунчалик кўпаяверади.

Саодат ИНАТОВА,  
ЎЗДП «Фаол аёллар» қаноти  
Зафаробод туман бўлими етакчиси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗДП фракцияси аъзолари яқинда сайлов округларида ўтказиб қайтган учрашувларнинг натижалари қандай бўлди?

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Меҳр-оқибат туйғуси

юракларга малҳам бўлади, кўнгилларни кўтаради

www.uzbekistonovozi.uz

МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

# Электорат билан бевосита мулоқот

муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этиш имконини беради



Тадбирда асосий эътибор «Соғлом бола йили» Давлат таълим-тарбия марказидаги ўзбекистонлик палатасидаги ўзхдп фракцияси аъзоси:

дастурий максادلари амалга ошириш, шунингдек, электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ўз вақтида ижобий ҳал этишда бу каби мулоқотлар муҳим аҳамиятга эга.

объектлари барпо этиш, мажбуриятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилиши белгиланган. Шунингдек, 145 минг аҳоли чқураштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади.

ва депутатлик назорати институти ваколатларидан самарали фойдаланилган.

Ўрқини ИНОМОВА, Ёўа тумани «Қорақўйли» маҳалласи: — Бугунги тадбирда банк-молия, солиқ ташкилотлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассислари иштирок этгани айнаи муҳим бўлди.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

# Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси

янада мустаҳкамланмоқда

Саттор РАҲМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ўзхдп фракцияси аъзоси: — Қонун лойиҳасига асосан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг норматив тусдаги ҳужжатлари кўчга кириши санасини аниқлаштиришга қаратилган меъёр киритилган.

Ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириши билан бир қаторда, ўзхдп Дастурида устувор ҳисобланган инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолати таъминланишига ҳизмат қилади.

Алишер ТИЛЛАБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ўзхдп фракцияси аъзоси: — Қонун лойиҳасида белгиланган мазкур меъёрлар фуқаролар ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини идрок этиши, уларни суд орқали ҳимоя қилиши кафолатларини янада мустаҳкамлаши билан аҳамиятга эришди.

мажлисда амалга оширилди. Бундай тартиб иш қўрилаётган суддан бошқа ҳудудда жойлашган тарафлар учун, иш кассация инстанцияси (Олий ҳўжалик суди)да қўрилаётганда эса ихкалла тарафдан ҳам анча вақт ва маблағ талаб этади.

Фракциянинг аъзолари мамлакатимизда барча соҳаларда ижтимоий ҳаётда амалга оширилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини эътироф этади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча киритилмоқда. Мазкур қўшимча вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ноқонуний амалга қўйилган ҳолатда қўриқилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, тақлиф этилаётган қўшимчалар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳамда ҳўжалик судлов ишларини юритувчи бошқа иштирокчиларнинг суд муҳокамасида бевосита қатнашиш ҳуқуқини чекламайди.

Шунингдек, семинарда тарғибот гуруҳлари таркибига салоҳиятли, нотиклик қобилиятига эга, дунёқараши кенг ёшлар ва мутахассисларни жалб этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Ўзхдп МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзхдп Каттакўрган шаҳар кенгашида тарғибот гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган минтақавий семинар ўтказилди.

# Тарғибот таъсирдан бўлса хайрихоҳлар сафи кенгайди

Анжуманда Каттакўрган, Иштихон, Пахтачи, Нарпай ва Нурубоғ туман ҳамда Каттакўрган шаҳар тарғибот гуруҳлари раислари, фаоллар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва тарғиботчилар иштирок этди.

Давоми. Боши 1-бетда.

Давоми. Боши 1-бетда.

Давоми. Боши 1-бетда.

Давоми. Боши 1-бетда.

СўЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Турли тадбирларда қатнашганимда, сайловчилар билан учрашганимда ҳар сафар бир ҳақиқатга — одамларнинг дунёқараши ва кайфияти, ҳаётга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгариб, юксалиб бораётганига амин бўламан.

# Ҳуқуқий маданият — ислохотлар таянчи

Президентимиз Ислам Каримов Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бугун жамиятда инсоннинг ўзи ўзгариб бораётгани, унинг фуқаролик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти мунтазам юксалаётганини эътироф этди.

қилиш кўникмаларига ҳам эга бўлмади. Биргина мисол, мазкур йилда суд ҳатоларининг даярли ярми тегишли мансабдор шахслар — суд раисларининг ўзи ўзгариб бораётгани, унинг фуқаролик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти мунтазам юксалаётганини эътироф этди.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

# Қонунларда оқдий одамлар фикри

ўз ифодасини топмоқда

Бу галги учрашуларда фракция аъзолари 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг ижроси, Дастурда қўзда тутилган объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиши масаласи ўрганилиб, йўл қўйлаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этишга эътибор қаратилди.

риб чиқилаётганда ўзхдп фракция қандай позиция билдираётгани, сайловчилардан тушган тақлифлар қанчалик даражада ҳисобга олинаётгани ҳақида кўзгич суҳбат, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Давоми. Боши 1-бетда.

Давоми. Боши 1-бетда.

Шаҳноза ПАРМАНОВА, Ўзхдп Самарқанд вилоят кенгаши жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш сектори мудири.

# Матонат ва ирода намойиши

## ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Ёш мусаввирларнинг ҳаракатларини кузатиб туриб, лол қоласиз. Бу ажойиб расмлар олдидан кетгиниз келмайди. Уларни кимдир қўли, кимдир оёғи билан, яна кимдир тишида қалам тутиб чизган. Бу болалар нафақат расм чизишади, балки ажойиб ҳайкаллар ҳам ясади. Шунингдек, улар фотосурат олиш, каштачилик ва бошқа хунарларни ҳам ўрганишмоқда.



Бу масканнинг ташкилотчиси ҳайкалтарош Гулсара Ражабовадир. Аёллар орасида кам учрайдиган ҳайкалтарошлик касбини эгаллашда унга тоғаси — таниқли ҳайкалтарош Қосим Мирзахмедов таъсир кўрсатган. У тўшакка михланган бўлишига қарама-қарсидан турли ҳайкалчалар ясади. Гулсара мактабда ўқиб юрган кезлари тоғасининг устaxonасига кириб, унинг ҳаракатларини соатлаб кузатарди. Шундан сўнг 1985 йилда санъат билим юртини тугатиб, ижодини бошлаган, кўплаб асарлар яратган. Гулсара Ражабова ҳайкалтарошлик санъати бўйича хорижий давлатларда ўтказилган кўпгина кўргазмаларда иштирок этган. Ана шундай кўргазмаларнинг бирида у ҳакамлар сафиди эди.  
— Имконияти чекланган болалар иштирокида Францияда ўтказилган

«Мафтункор ранглар» кўргазмаси ҳаётида кескин бурилиш ясади, — дейди Гулсара Ражабова ҳаяжон билан. — Баъзи иштирокчилар икки ёки уч бармоқда, бошқалари фақат оёқ бармоқлари билан, яна кимдир эса тишларида қалам тишлаб чизган ўз суратларини намойиш қилганди. Ўшанда жисмоний имконияти чекланган болалар учун хунар мактаби очишни кўнглимга туккан эдим.

1999 йилда Республика Ногиронлар жамияти қошида «Санвикт» («Санъатда галаба») имконияти чекланган болалар мактаби ташкил этилди. Уч йилдан сўнг эса мактаб мустақил фаолият юрита бошлади. Эзгу мақсадни кўзлаб очилган мактаб бугунги кунда Тошкент шаҳридаги иқтидорли болаларни ўз атрофида жаллаган.  
Муассасида санъатнинг қатор тур-

лари бўйича тўғарақлар ташкил этилган. Рассомчилик, ҳайкалтарошлик, тикиш-бичиш, батик (мато бўяш), тўкиш, гиламчилик, каштачилик, каби миллий-амалий санъат турларидан сабоқ берилди. Хомийлар ёрдамида болалар учун чўмилиш ҳавзаси бунёд этилди. Бинонинг ички ва ташқи кўриниши йил сайин мукаммаллашиб, кўркамлик касб этмоқда.

Бугунги кунда «Санвикт» имконияти чекланган болалар муассасасида тахсил олган кўпгина иқтидорли ёшлар хорижий мамлакатларда ташкил этилган нуфузли кўргазмаларда ўз асарларини намойиш этишмоқда. Дилфуза Обиджоновна тасвирий санъат йўналишидаги асарлари билан Мисрда, Ренат Каримов керамика санъати бўйича Россияда бўлиб ўтган кўргазмаларда алоҳида эътироф этилишди. Жаҳоҳир Ражабов ўз фото ва видеоклиплари кўргазмасини Польша, Россия, Швецария каби давлатларда намойиш қилди. Бундан ташқари, хориждаги қатор кўргазмаларда иштирокчиси, юртимизда ўтказилаётган миллий-анъанавий санъат асарлари намойишларида фахрли ўринларни эгаллаб келаётган Жасур Жумаев, Фахриддин Яхшиев, Зебо Юсупова, Рустам Бобожонов, Зарина Юсупова каби иқтидорли ёшлар илк сабоқни «Санвикт»да олишган.

— Ҳозир даргоҳимизда 50 нафар истеъодли бола бор. Имконияти чекланган болалардан ташқари, соғлом болаларни ҳам хунар ва санъат сирдарига жалб қилиб, уларнинг иқтидорларини юзага чиқаришда кўмаклашишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди Гулсара Ражабова. — Бугунги кунда вилоятларда ҳам муассасамиз филиалларини очишни режалаштиряпмиз.

Бу болаларнинг орзулари ўзларининг рангин тасаввурлари ю ҳаёлларидек чексиз-чексиз. Уларни аслида матонатли, иродали ёшлар десак, тўғри бўлади. Чизган расмлари, яратган асарлари бунинг ёрқин намойишидир.

**Нилуфар ҲАСАНОВА**

## ХУДУДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Кейинги йилларда Сирдарё вилояти аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Биргина «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида 48 та қишлоқда ичимлик суви иншоотлари янгидан қурилди ва мавжудлари реконструкция қилинди. Шунинг ҳисобига Сайхунобод туманидаги Пахтакор, Ёшлик, Мирзаобод туманидаги Барлос, Фаргона, Сирдарё туманидаги Малик, Пахтазор, Бўстон, Сардоба туманидаги Наврўз, Бобут туманидаги Қаҳрамон сингари ўнлаб қишлоқларда истиқомат қиладиган 60 миң нафарлар кўпроқ аҳолининг ичимлик суви билан таъминоти тўла қилинди.

## Тоза сув — фаровонлик белгиси

**Сирдарё вилоятидаги ўнлаб қишлоқларнинг аҳолисини ичимлик суви билан барқарор таъминлади**



— Вилоятимиз аҳолисини ичимлик суви билан асосан учта манба — Зомин, Деҳқонобод ва Балиқчи суви сақлаш ҳамда узатиш тармоқлари орқали таъминланади, — дейди **вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бirlашмаси давлат қорхонаси бош муҳандиси Орзумурод Шарифуллоев**. — Ўтган йили Зомин ичимлик суви иншоотида янгидан иккита насос ўрна-

тилиши натижасида бир қатор туманларимизга сув узатиш ҳолати тубдан яхшиланди.

«Сувоқова» давлат қорхонасини мутахассисларнинг гидрогеологлар билан ҳамкорлиги ҳам қишлоқлар аҳолисининг тоза сувга бўлган эhtiёжини таъминлашда муҳим аҳамият касб этапти. Хусусан, бир қатор қишлоқларда истеъмолга яроқли, экологик тоза чўчук суви манбалари топилиб, шу ернинг ўзида сув сақлаш ҳамда узатиш тизимлари барпо этилмоқда.

Жаҳон банки томонидан ажратиладиган маблағ ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳанинг амалга оширилиши Оқ олтин, Ховос, Бобут, Сардоба туманларида ичимлик суви тизимини тубдан такомиллаштириш ва шунинг ҳисобига яна 400 миңга яқин аҳолини тоза сувдан баҳраманд этиш имконини беради.

Бугун вилоятнинг қайси туманига борманг, бўлаётган ўзгаришлар, яратувчилик ҳамда бунёдкорлик ишларини кўриб, кўз қувнайдди. Қишлоқлар тобора кўркам кифоа касб этиб, турмуш обод бўляпти.

Тоза сув — фаровонлик белгиси. Унинг қадрига етиш, исроф қилмасдан фойдаланиш барчамизнинг бурчимиз ҳисобланади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



## Ер ҳарорати энергия манбаи



**О да м з о д қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр токи олишнинг ўнлаб усуллари ишлаб чиққан. Бугунги кунда ша мол, дарё**

оқими, чириндилар ва жониворлар чиқиндисини, денгиз ва океанлар қуйилиш жойлари, ҳатто қуёш нуруларини энергия олиш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Сайёрамизнинг энергия мувозанатида уларнинг ўз ўрни бор.

АҚШнинг Гарвард университети мутахассиси Федерико Капассо етакчилигидаги олимлар гуруҳи эндиликда Ердан кўтарилаётган ва атроф-муҳитга кенг миқёсда тарқалиб, коинотни илтифат қилган ҳарорат ҳам энергия манбаи бўлиб хизмат қилишини ишонч билан таъкидламоқдалар. Олимлар бу ҳароратни электр энергиясига айлантиришнинг илмий-методик усулини ишлаб чиқди.

«Proceedings of the National Academy of Sciences» журналыда чоп этилган мақолада қайд қилинишича, сайёрамиздан чиқаётган ва коинотга кўтарилаётган ҳарорат юз миллион гигаваат қувватга тенглиги олимлар томонидан кашф қилинган, уни соф электр энергиясига айлантириш уноси туғилди. Бирок уни электр энергиясига айлантирувчи технология бирор-бир мамлакатда ҳозирча яратилгани йўқ. Федерико Капассонинг назарий ишланмасини амалиётга жорий этиш эса инсониятнинг энергия билан боғлиқ муаммодан халос этиш йўлида катта самара беришига умид қилинмоқда.

## Асалнинг ози ширин



**Бундан ўн йил муқаддам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти одамларнинг кундалик рационидида шакар миқдори умумий калориянинг 10 фоиздан ортиб кет-**

маслигини тавсия қилган эди. Бирок ортика вази ва семириш «эпидемияси» дунё миқёсда кенг кузатила бошланди. Шу боис эндиликда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти меъёр 5 фоиз бўлиши лозимлигини таъкидламоқда. Бу одамнинг кундалик рационидида шакар миқдорининг 50 граммдан ортиб кетмаслигини аналтади. Шунингдек, турли маҳсулотлар таркибидидаги шакар миқдори ҳам шу ўлчовга қиради.

Таъкидчиларнинг кузатишича шакар истеъмоли турли мамлакатларда турлича кўринишда. Масалан, Буюк Британияда айни замонда катта ёшдагиларнинг кунлик рационидида шакар моддаси 11,6 фоиздан, ёшларда эса 15,2 фоиздан юқори. Ширин ичимликлар ва егуликларни доимий истеъмо қилиш эса семизликни келтириб чиқаради ҳамда қариясизликни пайдо қилади.

## Тоза ҳаво керак...



**Франция пойтахти Париж шаҳрида 1880 йилдан бери ҳали кузатилмаган ҳолат юз берди: ўтган ҳафта ҳарорат 21 даражадан ортиб кетди. Бунинг устига шамолнинг бутунлай эсмаётганлиги ҳафта охирига келиб шаҳар ҳавосининг ифлослиши даражасини меъёрдан ошириб юборди. Натijaда шаҳар маъмурияти бунга қарши чора сифатида хусусий автомобиллардан фойдаланишни чеклади, яъни тоқ кунлари жуфт рақамдаги машиналар, жуфт кунлари эса тоқ рақамдаги автомобиллар ҳаракати тақиқланди. Жамоат транспорти қатнови эса кўпайтирилиб, ундан текин фойдаланиш йўлга қўйилди.**

Хусусий автомобиллар ҳаракати эса полиция томонидан доимий кузатиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, худди шундай ҳолат 1997 йили ҳам кузатилганди. Ушанда хусусий автомобиллар ҳаракатининг чеклови шаҳар ҳавоси тезроқ тозаланишига имкон яратганди.

Айни пайтда Париждан ташқари Франция марказий ҳудудларидаги шаҳарлар, Юқори Нормандия, Кальвадос ҳамда Манш ҳудудларида ҳам ҳавонинг ифлослиши даражаси меъёрдан ортиб кетган.

## КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2014 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚССиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш мuddати
1.	Самарқанд вилоят Кўшрабод туман прокуратурасининг маъмурий биноси қурилиши	892 127 194 сўм	1 070 552 633 сўм	7 ой

Қурилиш ишлари Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚССиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш мuddати
<b>Лот 38-6:</b>				
Лот-1	Оқдарё туман, Қоратери ҚФЙ, Найман массивида кириш ва ички йўл қурилиши	321 964 500 сўм	386 357 400 сўм	6 ой
Лот-2	Оқдарё туман, Зарафшон ҚФЙ, Муллаҳўжа массивида кириш ва ички йўл қурилиши	110 927 160 сўм	133 112 592 сўм	6 ой
Лот-3	Булунгур туман, Ўртабулоқ ҚФЙ, Мингтепа массивида кириш ва ички йўл қурилиши	213 740 720 сўм	256 488 864 сўм	6 ой
Лот-4	Жомбой туман, Холвойи ҚФЙ, Қорақишлоқ массивида кириш ва ички йўл қурилиши	108 134 542 сўм	129 761 450 сўм	6 ой
Лот-5	Жомбой туман, Холвойи ҚФЙ, Ўртабўз массивида кириш ва ички йўл қурилиши	154 154 479 сўм	184 985 374 сўм	6 ой
Лот-6	Иштихон туман, Қорақўйли МФЙ, Қорақўйли массивида кириш ва ички йўл қурилиши	232 005 691 сўм	278 406 829 сўм	6 ой

**Лот 39-5:**

Лот-1	Каттақўрғон туман, Саройқўрғон ҚФЙ, Қорадарё массивида кириш ва ички йўл қурилиши	165 833 091 сўм	198 999 709 сўм	6 ой
Лот-2	Пайариқ туман, Оққўрғон ҚФЙ, Ҳўжа Исмоил массивида кириш ва ички йўл қурилиши	301 315 350 сўм	361 578 421 сўм	6 ой
Лот-3	Пастдарғом туман, Димшқибола ҚФЙ, Кашшоб массивида кириш ва ички йўл қурилиши (2-босқичи)	360 181 475 сўм	432 217 770 сўм	6 ой
Лот-4	Самарқанд туман, Оҳалик ҚФЙ, Газчилар массивида кириш ва ички йўл қурилиши	200 379 604 сўм	240 455 525 сўм	6 ой
Лот-5	Самарқанд туман, Қайнама ҚФЙ, Зарафшон массивида кириш ва ички йўл қурилиши	257 317 625 сўм	308 781 150 сўм	6 ой

**Лот 40-5:**

Лот-1	Самарқанд туман, Қайнама ҚФЙ, Зарафшон-1 массивида кириш ва ички йўл қурилиши	159 680 226 сўм	191 616 271 сўм	6 ой
Лот-2	Тайлоқ туман, Тайлоқ ҚФЙ, Пайшанбасиёб массивида кириш ва ички йўл қурилиши	290 541 791 сўм	348 650 149 сўм	6 ой
Лот-3	Тайлоқ туман, Маданият ҚФЙ, Соцакилоён-1 массивида кириш ва ички йўл қурилиши	141 753 476 сўм	170 104 171 сўм	6 ой
Лот-4	Ургут тумани, Мирзақишлоқ ҚФЙ, Мерганча массивида кириш ва ички йўл қурилиши	110 644 541 сўм	132 773 450 сўм	6 ой
Лот-5	Ургут тумани, Мирзақишлоқ ҚФЙ, Мирзақишлоқ массивида кириш ва ички йўл қурилиши	194 561 698 сўм	233 474 038 сўм	6 ой

Қурилиш ишлари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш

худудий консалтинг маркази. Буюртмачи: Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси. Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой

майdonи, 1-уй, телефон: (8366) 231-10-93. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 38-6 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4, Лот-5, Лот-6), Лот 39-5 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4, Лот-5), Лот 40-5 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4, Лот-5) пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қўймакнинг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қараломаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: конун ҳужжатларига мубофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашши ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майdonи, корпус -2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон миң) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчигаси тақдим этишининг охириги мuddати — оферталар очилиш кuni ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майdonи, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносидида соат 10-00 да ўтказилади.

Суратда: англиз тили фани ўқитувчиси Ирода РАИПОВА ва ўқувчи Карина Жўраева.



ЎЗА олган сурат.

Термиз шаҳридаги 6-умумтаълим мактабда ўқувчиларнинг замон талаблари асосида пухта билим олиши учун барча шароит яратилган. 900 нафарга яқин ўғил-қиз таълим олаётган мактабнинг синф хоналари замонавий ўқув куроллари, компьютер тўпламлари билан жиҳозланган. Ўттиздан ортиқ тўғарак ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Ўқувчилар айниқса, англиз тили ва табиатшунослик тўғаракларига қизиқиш билан қатнашмоқда.

Миллий матбуот марказида

## Боланинг кўларини бўш қўйманг

Бирига нон, иккинчисига китоб беринг, дейди доно халқимиз. Албатта, китоб ўқиб катта бўлган боланинг дунёқараши кенг ва бой бўлади. Айни шу иборани бугунги кунимиз билан мувофиқлаштирсак, савол туғилади: боланинг қўлида китоб борми?

Миллий матбуот марказида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Болалар адабиётини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, уларни маънавий-жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашга йўналтирилган адабиётларни мазмунан ва сифат жиҳатидан тақомиллаштириш мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда «Шарқ» НМАК жамоаси вакиллари, таниқли шоир ва ёзувчилар, журналистлар иштирок этишди. Улар китоб ва китобхона, болалар адабиётининг бугунги аҳволи, жаҳон адиблари асарларининг таржималари хусусида мулоҳазалар билдиришди.

— Китоб ўқиш ҳам эҳтиёжга айланиши керак. Худди нонга, сувга бўлгани каби, — дейди **Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон**. — Техника ривожланиб кетди. Ўқувчини асарга жалб қилиш йўллари кўпайди. Албатта, яхши асарнинг савияси, дизайни, айниқса, кўп нусхада чоп этилиши муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимиз томонидан бу масала алоҳида кўриб чиқилди ва баркамол авлоднинг салоҳиятини ошириш,

уларнинг истеъдодини юзага чиқариш мақсадида «Ижод» фонди ташкил этилган. Ҳар йили бу фонд томонидан ижодкор ёшларнинг биринчи китоблари 20 минг нусхада чоп этилади. Улар юртимизнинг барча лицей ва коллежларига бепул тарқатилади. Қувонарлиси, ушбу китоблар ичида болалар



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Очиғини айтганда, китобнинг ўқувчига етиб боришида баъзи бир муаммолар бор. Бунга нима сабаб? Биринчидан, китоблар рекламасини йўлга қўйиш керак.

Тадбирда «Шарқ» НМАК бош муҳаррири ўринбосари Носиржон Жўраев болалар учун чиқарилаётган юртимиз ва жаҳон адибларининг ўнлаб сара асарлари ҳақида маълумот берди.

Муҳтасар айтганда, анжуманга ташриф буюрган соҳа вакиллари «Соғлом бола йили»да болажонларга мўлжалланган адабиётлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти хусусида журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб беришди.

**Бобур ЭЛМУРОДОВ**, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

### Реклама

Тегишли лицензияга эга бўлган корхона, ташкилот ва кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

### «NAM TEX»

#### масъулияти

#### чекланган жамияти

қўшимча захира электр тармоғи ўтказиш ишлари учун корхона чқки танлов савдоси ўтказишнинг эълон қилади.

Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчасида жойлашган «NAM TEX» МЧЖ фабрикаси учун 2-захира электр энергия линиясини тортиш ишлари. Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 817846928 сўм. ҚҚСсиз 681539107 сўм. Тижорат савдоси ўтказиш кун: 2014 йил 21 апрель.

Яқунлашиш муддати: 2 ой. Буюртмачи: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-б уйда жойлашган «NAM TEX» масъулияти чекланган жамияти Тел: (8-369) 224-07-80, (99898) 271-22-02.

Лойиҳани молиялаштириш: «NAM TEX» масъулияти чекланган жамияти ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

## «Tashkent Realtor Service» МЧЖ

2014 йил 17 март кун бўлиб ўтган очик аукцион савдоси натижасини маълум қилади:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Чош-тепа» ҚФЙ, «Турғунбой Соҳибкор» агрофирмаси худудидаги «ABDUFATTOX-ZIROAT» фермер хўжалигидан туман давлат захира ерлари ҳисобига олинган жами 4,76 гектардаги 4,23 гектар ер майдонида жойлашган 1280 туп узум кўчатларидан иборат узумзорнинг бошланғич баҳоси 6 849 000 сўм, сотилиш баҳоси 7 876 350 сўм.

Лицензия RR-0008



## XALQ BANKI

ДТ Халқ банки миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

### «Файзли»

- сақлаш муддати – 6 ой ва ундан юқори;
- бадал миқдори – камида 500 минг сўм;
- қўшимча кирим муомалалари амалга оширилади;
- фойз даромади тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи ўтказилиб, тираж яқунига кўра пул ютуқлари тўлаб берилади.

### «Ишончли тўлов»

- сақлаш муддати – 2 йил;
- бадал миқдори – чекланмаган;
- қўшимча кирим муомалалари амалга оширилади;
- фойз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра, фойдаланилган коммунал тўловлари учун ёки масофадан туриб бошқариловчи банк хизмати «Uyali Pul» махсус ҳисоб рақамига нақд пулсиз ўтказиб берилади.

### «Нафақа»

- сақлаш муддати – 3 ой ва ундан юқори;
- бадал миқдори – чекланмаган;
- қўшимча кирим муомалалари амалга оширилади;
- фойз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра омонат муддати тугагандан сўнг миқдорнинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилади.

### «Капитал»

- сақлаш муддати – 1 йил;
- бадал миқдори – чекланмаган;
- қўшимча кирим муомалалари амалга оширилади;
- фойз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра омонатга маблағлар кирим қилинган кун ёки белгиланган муддатнинг хоҳлаган даврида (аванс шаклида) миқдорнинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилади.

Маълумот учун телефон:  
8-800 - 200-00-55

Хизматлар лицензияланган


Самарқанд шаҳар,  
Каттақўрғон шаҳар, Пастдарғом,  
Булунғур, Жомбой ҳамда Ургут  
туманлари ободонлаштириш  
бошқармалари

мавжуд маиший ва қаттиқ чиқиндиларни марказлашган ҳолда олиб чиқилиши ва уларни саноат соҳасида қайта ишлашни ташкил этиш мақсадида ободонлаштириш тизимида ишлатиладиган икки турдаги техника воситаларини харид қилиш учун

танлов савдоси эълон қилади



— SD- 16 русумли бульдозер, буюртмачининг бошланғич нархи 350000,0 минг сўм.



— WZ30-25 русумли юкловчи-экскаватор, буюртмачининг бошланғич нархи 150000,0 минг сўм.



Танловда иштирок этиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси. Самарқанд шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 30-уй, телефон: (85-95) 507-76-32.

Каттақўрғон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси. Телефон: (85-91) 530-50-16.

Пастдарғом туман ободонлаштириш бошқармаси. Телефон: (85-95) 509-13-59.

Булунғур туман ободонлаштириш бошқармаси. Телефон: (85-91) 527-97-90.

Жомбой туман ободонлаштириш бошқармаси. Телефон: (85-91) 555-79-79.

Ургут туман ободонлаштириш бошқармаси. Телефон: (85-90) 655-91-30.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Шаҳрисабз туман партия кенгаши фаоли

Мансур ОСТОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

### MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

### TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 360 22116 нусxada bosildi. Nasr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 22.55 Topshirilgan vaqt — 01.55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5